

Mas'uliyati cheklangan  
jamiat shaklidagi  
“NAMANGAN  
OPTIMAL AUDIT”  
auditorlik tashkiloti



Аудиторская организация  
в форме общество с  
ограниченной  
ответственностью  
“NAMANGAN  
OPTIMAL AUDIT”

Namangan sh, Marg'ilon ko'ch 8/3. ATIB «Ipotekabank» Namangan filiali, h/r: 20208000404918543001, MFO: 00223,  
OKNX: 84400, INN: 207120727. Tel: 0(369) 227-90-13, 0(369) 227-97-49. Faks: 0(369) 227-91-78.

## МУСТАКИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Сана: 01 июнь 2022 йил.

“O'ZELEKTROTERM” АЖ  
(INN:200049218) Рахбариятига

### Фикр.

Биз, Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “NAMANGAN OPTIMAL AUDIT” аудиторлик ташкилоти бош директори Мирзабоева Т.Ю. (Ўзбекистон Республикаси Б ва АИМининг 2021 йил 16 декабрь кунги №05850-сонли аудитор малака сертификатига эга) ва Аудитор Абдувалиев. F.C (Ўзбекистон Республикаси Б ва АИМининг 2022 йил 22 май кунги №05937-сонли аудитор малака сертификатига эга) “O'ZELEKTROTERM” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 01 январдан -31 декабр холатига бўлган молиявий холат тўгрисидаги хисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида “Молиявий холат тўгрисида”ги хисоботдан, кўрсатилган санада тугаган йил учун тузилган “Умумлашган даромад тўгрисида”ги хисоботдан, “Хусусий капитал”даги ўзгаришлар тўгрисида хисоботдан ва “Пул оқимлари тўгрисида”ги хисоботдан, шунингдек хисоб сиёсати ахамиятли коидаларининг кискача тавсифи ва бошка изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова килинаётган молиявий хисоботи аудитини ўтказдик.

### Фикр билдириш учун асос.

Биз аудитни, Аудитнинг Халкаро Стандартларига мувофик ўтказдик. Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз “Молиявий хисобот аудити учун аудиторнинг маъсулияти” бўлимда баён килинган. Биз аудит килинаётган ташкилотига нисбатан бухгалтерлар учун ишлаб чикилган Ахлок Кодексига мувофик “O'ZELEKTROTERM” акциядорлик жамиятининг молиявий хисоботи аудити бўйича ахлокий талабларга нисбатан мустакил хисобланамиз ва мазкур талаблар хамда Ахлок кодексига тегишли бошка мажбуриятларни бажардик. Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларни ўз фикрмизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб хисоблаймиз.

### Рахбарияинг молиявий хисоботлар учун жавобгарлиги.

Жамият рахбарияти мазкур молиявий хисоботларни Молиявий хисоботнинг халкаро стандартларига мувофик тайёрлаш ва хакконий тақдим этиш, шунингдек жамият рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузуб кўрсатишлардан холи хамда молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

### Аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизниснг жавобгарлигимиз мазкур молиявий хисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халкаро

Стандартларига мувофик ўтказдик. Мазкур АХС (МСА) бизга ахлокий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий хисоботларда мухим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалашириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий хисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олгади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молия вий хисоботларда юзага келиши мумкин бўлган мухим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир.

Бундай рискларни баҳолашда, жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш максадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий хисоботларини тайёрланиши ва хақоний тақдим этилиши билан боғлик ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказилишида қўлланилаётган хисоб сиёсатининг мақбулигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан хисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек молиявий хисобтларнинг умумий ифодаланишидаги баҳолашни хам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз томондан олинган аудиторлик далилларни ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб хисоблаймиз.

### Конунчилик ва тартибга солувчи органларнинг бошқа талаблари бўйича хисобот.

Аудиторлик хисоботи мазкур қисмининг шакли ва мазмuni аудиторнинг хисоботларини тақдим этиш бўйича бошқа вазифалари хусусиятига қараб ўзгаради.

Бизнинг фикримизча, молиявий хисоботлар "O'ZELEKTROTERM" акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабргача бўлган молиявий холатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий хисоботларнинг натижаларини ва пул оқимларини барча мухим жихатларда Молиявий хисоботнинг миллий стандартларига мувофик хақоний тақдим этади.

МЧЖ шаклидаги  
"NAMANGAN OPTIMAL AUDIT"  
аудиторлик ташкилоти директори  
бош аудитор : 

Мирзабоева Т.Ю.

Аудитор:

Абдувалиев.Ф.С

(Ўзбекистон Республикаси Б ва АИМининг  
2022 йил 22 май кунги №05937-сонли  
аудитор малака сертификатига эга)